

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

КАФОЛАТЛАНГАН ИСТИҚБОЛ

Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида бутун мамлакатимиз бўйлаб кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда.

Хусусан, Пискент туманида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш мақсадида "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шiori остида туман ҳокими, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда мустақил корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ва ёшлар фестивали ўтказилди.

Ярмаркада тумандаги 84 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 1059 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Бўш иш ўринларининг 92 таси олий маълумотли, 988 таси эса ўрта-махсус маълумотли кадрлар учун мўлжаллангани қайд этилди. Ёшлар учун захираланган 114 та иш ўринларига 80 дан ортиқ коллеж битирувчи-



лари ишга жойлаштирилди.

Меҳнат ярмаркасида тумандаги тижорат банклари томонидан 58 нафар коллеж битирувчи қизларига 49 миллион 300 минг сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши ҳисобига уларнинг ҳар бирига тикув машиналари берилиб, ўз тадбиркорликлари билан шугулланишларига кенг имкониятлар яратилди.

Шунингдек, "Омад" кўп тармоқли фермер хўжалиги

қошида сервис хизматларини ривожлантириш мақсадида икки нафар битирувчига компьютер жамланмаси ажратилиб, доимий иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан йил якунига қадар битирувчиларга яна 200 та тикув машинаси ва 4 донна мини трактор олиб бериш учун имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилди.

Қизғин жараёнларга бой тарзда ўтган меҳнат ярмаркасида ўтган йилга нисбатан икки баробар юқори натижага эришилгани қайд этилди. Ёшлар фестивали ва меҳнат ярмаркасида туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА,
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Ифтихор

Тинч ва осуда юрtdа яшаш инсон орзу умидлари рўёбига қанот бағишлайди. Унинг бахтли ҳаёт кечиршига, турмушининг обод ва фаровон бўлишига замин ҳозирлайди. Бинобарин, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини барчамиз кўтаринки қайфият, зўр қувонч билан қарши олдик. Шу боис бугун юртимизнинг қай бир гўшасига ташриф буюрманг, у ерда бир-бирига меҳр ила боқиб, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига гувоҳ бўласиз.

ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Ҳар бир масканда тўй ва бошқа тантаналарнинг овозаси, нуруний отахону онахонларимизнинг қўллари доимо дудада. Айниқса, бу йилги байрам тадбирлари "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу гоияни ўзида муҳасам этгани ҳар биримизнинг қалбимизга севинч, хаяжон, шу би-

лан бирга фахр ва ифтихор солмоқда.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари юртимиз ҳар бир ҳудудига ободлик ва тароват бахш этаяпти. Шаҳару қишлоқларимизда бири-бири билан хусн талашадиган, янги, замонавий иншоотлар қад ростламоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бетакрор фазилатларидан бири бағрикенглик, шукроналикдир.

Инсонпарварлик тамойиллари устувор давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳам барча халқларнинг эркин, озод, тенглик асосида тинч-тотув яшашини таъминлашдан иборат.

"Ўзбекистон Республикаси, – дейилади Бош қомусимизда, – ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди".

Албатта, ҳаёт неъматларининг индаллоси – тинчликдан бошланади. Бунинг акси эса бор яхши нарсаларни йўқачикаради. Узоққа бормаё қўя қолайлик, ён-атрофимизда, ҳамдўстлик мамлакатларининг айримларидаги таҳлика ҳаёт ҳеч кимга сир эмас. У ерларда нафақат бошқа миллат вакиллари, балки ерли аҳоли ҳам тинчликдан мосуво, ўз уйларида яшайдан маҳрум, сарсон-саргардонликда кун кечирмоқда...

Айтмоқчи бўлганимиз, баъзан бор неъматнинг қадрига етиш учун, унга зор одамлар ҳаётини би-

либ қўйиш зарар қилмайди.

Аслида ҳам, тинчлиги барқарор, ҳажон айвонида ўз ўрни, нуфузи бор мустақил Ўзбекистонга ҳавасу ҳасад билан боқувчилар йўқ эмас. Шунинг учун уни асраш миллатидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчидир. Зеро, Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Мустақиллик шарофати билан унда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро аҳиллик, тинчлик-осойишталикда умргузаронлик қилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти республикаимизнинг энг кўп миллатли ҳудудларидан ҳисобланади.

Унда рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, корейс, украин, озарбайжон, немис, беларус, татар каби турли миллат вакиллари эмин-эркин яшаб келмоқда. Улар ўқиб, ишлаш, ўз тиллари, миллий урф-одат, кадриятларини авайлаб-асраш, тарғиб қилиш, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўзларини намоён этишда тенг шароитлар, кенг имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Битирувчи – 2014

Инсонпарварлик тамойили устувор мустақил Ўзбекистонда ҳар бир инсон эътиборда. Кексалар, ёшлар, оналар, болалар, хотин-қизлар... Айниқса, ёшларга оид давлат сиёсати, унинг ижроси нафақат ўсиб

келаётган ёш авлодни, балки уларнинг ота-оналарини ҳам қувонтирмоқда. Зеро, фарзанднинг бахти, келажagini ўйлаган ота-она учун давлатимизнинг бундай эътибори, ғамхўрлиги, ҳимояси энг улуг неъматдир.

ҚУВОНЧ, ИШОНЧ ВА ҒУРУР

Шу кунларда вилоятимизнинг 122 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва 6 та академик лицейида вилоят ҳокимлиги, ўрта-махсус касб-хунар таълими, меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш бошқармаси, "Маҳалла", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида битирувчиларни мустақил ҳаётга тантанали кузатиш, диплом топшириш маросимлари ўтказилмоқда. Юзида қувонч, ишонч ва ғурур



бу йил 1470 нафар ўқувчи битириб, турли мутахассисликларни эгаллашди.

Жумладан, агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежини 299 нафар, қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежини 318, транспорт ва сервис касб-хунар коллежини 305 нафар битирувчи тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олишди. Барча коллежларда тантанали диплом топшириш маросимлари уюшқоқлик билан ўтказилди. Ёш мутахассислар шу кундан

(Давоми 2-бетда).

Азамат АҲМЕДОВ,
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.

Истиқлол туфайли обод манзиллар

БОҒЛАРИМИЗ – ФАҲРИМИЗ

Ватанимиз пойтахтини ҳар томондан қуршаб турган вилоят ҳудуди бетакрор гўзал табиати билан жаҳонни лол қолдираётгани бор ҳақиқат. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Вазирли Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги "2013-2015 йилларда Тошкент ви-

лоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори айнаи мундоо бўлди. Бутун дунёдан Ватанимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бораётгани туфайли вилоятимиз табиати гўзаллигини сақлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Табиат муҳофазасига дахлдор ташкилотлар эса ҳар томонлама ибрат бўлмоқлари лозим. 1990 йилдан буюн фаолият олиб бораётган Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи бу борада етакчи ўринда туради. Марказий Осиёда энг йирик миллий боғлардан ҳисобланмиш, ўз бағрига 574,6 минг гектар майдонни қамраб олган гўзал бу маскан ҳудудига ўсаётган 1800 га яқин ўсимликларнинг 74 хили Ўзбекистон Республикаси "Қизил

китоби"га киритилган. 230 га яқин турдаги ҳайвон ва қушларнинг эса 38 тури йўқолиш эҳтимоли бор жониворлар рўйхатидан ўрин олган. Энг ачинарлиси шундаки, эллик-олтмиш йиллар муқаддам Чотқол тоғларида ўйноқлаб юрган алқорлар энди бу томонларда йўқ. Агар безътибор ва лоқайд бўлсак, айнаи дамларда миллий боғ ҳудудига мавжуд кам сонли қор қоплони, оқ тирноқли кўнғир айиқ, Туркистон силвосини, мензбира су-

ғури, лочинлар, Чотқол шайтонбалиғи, Туркистон лаккачаси, қулжа арвоҳ сингари табиатнинг ноёб дурдоналари билан ҳам мангуликка хайрлашишимиз ҳеч гап эмас. Дунёнинг ҳамма тарафидан борган сайин кўпроқ ташриф буюраётган сайёҳларга номлари тилга олинган ноёб жониворлар, ёдгорликлар, ажайиб ландшафтлар, гўзал табиат манзараларини фахрланиб кўрсатиш қандай яхши!..

(Давоми 4-бетда).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ»

Газетамизнинг 2014 йил 28 майдаги 43-сонидagi юқоридagi сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Ангрэн шаҳрининг Толбулоқ шаҳарчасида ечимини кутаётган қатор

муаммолар тилга олинган эди. Таҳририят газетанинг ушбу чиқиши юзасидан Ангрэн шаҳар ҳокими ўринбосари Н. Назарова имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди.

"Мақолада кўрсатилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари то-

монидан муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябр-

даги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш

чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли қарори ижросини ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича вилоят комиссиясининг 2013 йил 14 октябрдаги 1/8-5-3912-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ Ангрэн шаҳар ҳокимининг 2013 йил 11 декабрдаги 733қ-сонли қарори билан Красногорск шаҳарчаси

"Толбулоқ" шаҳарча фуқаролар йиғини деб номланди. Шунингдек шаҳарчадаги собиқ Полетаев кўчаси "Зарқайнар", Шахтёрлар – "Кончилар", Театралная – "Заковат" деб қайта номланди.

Шаҳарчадаги Фёдор Полетаев монументи демонтаж қилиниб, "Хотира хиёбони"га ўзгартирилди.

(Давоми 2-бетда).



балқиб турган бу ёшлар энди вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида фаол иштирок эта оладилар. Бунда ҳар бир ўқувчи билан тузилган уч ёқлама шарт-

нома, диплом олди амалиётида эгаллаган кўникма ва малакалари, бириктирилган устозлар ёрдами муҳим аҳамиятга эга.

Оққўрғон туманидаги касб-хунар коллежларини

Ифтихор

ТИНЧ ВА ОБОД ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Хусусан, бундай ободликни бизнинг Олмалик шаҳримиз мисолида ҳам қўрса бўлади. Илгари фақатгина "кончили, металлургия шаҳри" дейилган Олмалик шаҳри бугун кўра кўрғулик, кўз-кўз қилғулик ажиб бир маконга айланиб қолди. Қад ростлаётган муҳташам ва маҳобатли иншоотлар, янги йўл ва инфратузилма объектилари, таълим, спорт ва маданият муассасалари чиндан ҳам шаҳримизга ўзгача кўрк ва тароват бахш этаяпти. Бемалол фахр ва ифтихор билан айта олам, бундай хайрли ишларнинг аксарияти бизнинг кўп минг кишилик Олмалик кон металлургия комбинати-мизга қўрсатаёпти.

Айтгандай, яқин орада Олмалик йўлининг тушган бўлса кўрган дирис, шаҳримизни қоқ ўртасидан иккига ажратиб турадиган марказий Амир Темур шоҳқўчасининг бошланиш нуктасига дав-

латимизнинг улкан байроғи ўрнатилган. Уни шаҳарнинг исталган худудидан томоша қилишнинг мумкин. Баландлиги 41,6 метр бўлган металл конструкцияли йирик ва маҳобатли устунга давлатимизнинг 7x14 метр ўлчамдаги улкан байроғи тикилган. У ҳар қандай юракка ҳаяжон, фахр, гурур бахш этади.

Амир Темур шоҳқўчаси ҳақида алоҳида тўхталмас бўлмас. Гап шундаки, кейинги йиллар бу марказий кўча тубдан янгиланди. Кенг ва раво бўлди. Олти тасмали йўлда қарама-қарши ҳаракатланаётган автомобиллар ва пилдалар ҳавфсизлигини таъминлаш учун унинг ўртаси худди пойтахт кўчалари каби бежирим металл тўсиқлар билан ажратилди. Ҳар икки четда замонавий инфратузилма объекти юзага келди. Деҳқон бозори янгидан қурилди. Унинг яқинидаги шохбөк тартибга солинди.

"Халқлар дўстлиги"

хиёбонини айтмайсизми? Бир вақтлар бу ер ташландик, ёввойи ўт-ўланлар қоплаган фэйзсиз, хароба жой эди. Атрофдаги кўп қаватли уйларда яшовчилар, айниқса, ёзнинг жазирама кунларида диққинафасликдан кўп азият чекишарди. Оилавий сайр қиладиган, кўнглини кўтардиган, оёқнинг чигилини ёзадиган тузукроқ маскан йўқ эди. Бугун эса бу хиёбонга боқиб, кўз қувонади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам тароватини йўқотмайдиган яшиллик, фавворалар, болалар майдончалари, футбол ва баскетбол стадионлари, ўриндиқли айвонлар, ранг-баранг кошлардек товланувчи қопламали йўлақлар – барчаси бири-бирини тўлдириб турибди.

Бир-икки йилнинг нари-берисидан "Ёшлар боғи", "Олеся" ҳамда "Олтин олма" истироҳат хиёбонлари барпо этилди. Ўтган йили фойдаланишга топширилган замонавий аквапарк эса кишига

бир олам завқ-шавқ улашувчи ноёб масканга айланди. Ҳозир барча боғ ва хиёбонлар ҳамшаҳарларимиз билан гавжум.

Бундан ташқари, "Металлургия" спорт-соғломлаштириш саройи, олий лигада тўп сураётган олмаликлик футболчилар учун қурилган муҳташам янги стадион, марказий шифохонанинг янги биноси, туғуруқ мажмуаси, болалар поликлиникаси ва бошқа ўнлаб маъмурий бинолар, таълим ва маданият муассасалари, йўл ва коммуникация объекти худди узукка кўз қўйгандек она шаҳримизнинг жамолини янада очиб юборган.

Кексаларимиз дуога қўл очганда, ҳаммиса юртга тинчлик, хотиржамлик сўрашади. Тўғри-да, одам самарали меҳнат қилиши, топган ризқини олиси, фарзандлари билан хотиржам баҳам қўриши, тўйлар қилиб, орзу-хавас қўриши учун юртда авваллабор, ана шу буюк неъмат барқарор бўлмоғи керак.

Биласизми, кечқурун ишдан қайтар эканман, шаҳримиз кўча ва хиёбонларида бола-чақасини етаклаб, бемалол сайр этиб юрган одамларни кўриб қувонаман. Йўл ёқаларида янгидан бунёд этилган замонавий футбол майдонларида қий-қириб тўп тепаётган фарзандларимиз ёнидан ўтганда завқим келади. Баъзан денг, янги бунёд этилган туғуруқхонадан фарзандини бағрига босганча, қувонч ва ҳаяжондан гул-гул яшнаб чиқиб келаётган ёш оилалар қувончига шерик бўламиз. Ана ўшанда шундай диёрда яшаётганингга минг қайта шукр қиласан.

Беихтиёр қалбимдан мана шу оташин нидо отилиб чиққандек бўлади: Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Сайдали РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Қоҳрамони,
Олмалик кон-металлургия комбинати "Калмоққир" кони экскаватор-машинисти.

Маънавият

Фирқимиз исботи учун қуйидаги далилларни келтириш кифоя: вилоятимизда мавжуд 879 та умумтаълим мактабларининг 14 тасида рус, 60 тасида қозоқ, 16 тасида тожик, 3 тасида қирғиз ҳамда 228 тасида аралаш тилларда таълим олиб борилаёпти. 65 та босма оммавий ахборот воситалари ўзбек, рус ва қозоқ тилларида нашр этилаёпти. Вилоятимиздаги мавжуд исломий ташкилотлар билан бирга бошқа конфессияларга таалуқли 51 та диний муассасалар динлараро бағрикронлик тамойиллари асосида фаолият юритмоқда. Шунингдек, вилоятимиз ижтимоий, маънавий-

маърифий ҳаётида фаол иштирок этаётган 25 та миллий маданий марказлар, улар қошида ташкил этилган 11 та бадиий жамоалар фаолият миллатлараро дўстлик ристаларининг янада мустаҳкам бўлишига замин яратяпти. Шу ўринда Юқори Чирчиқ туманида истиқомат қилаётган туман қозоқ миллий маданий маркази раҳбари Динислом Канаевнинг самимий мулоҳазаларини келтирмоқчимиз:

– Туманимизнинг минг-лик аҳолисида 60 фоизга яқини қозоқ миллати вакиллари ташкил этади, – дейди у. – 42 та умумтаълим мактабининг 28 тасида қозоқ тилида дарс ўтिलाди. Уларнинг 12 таси соф қозоқ мактаби.

1-, 2-, 22-, 35-мактабларда қозоқ фольклор ансамбллари ташкил этилган. Демак, миллий анъана, кадриятларимиз доимий ривожланишда. Қувончлиси, ансамбль катнашчилари турли маданий-маърифий тадбирларда, танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаётган.

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Халқлари дўстлигининг 20 йиллигига бағишлаб Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчиҳонасида ўтказилган катта байрам концертида ҳам тумани-миз ёшлари, "Айнур", "Айдос" каби халқ қолғу вокал ансамбли ва бошқалар иштирок этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Хуллас, Ўзбекистонда бошқа миллатлар қатори, қозоқлар ҳам тенглар ичра тенг, эмин-эркин ҳаёт кечирмоқда. Турли соҳаларда ўз қобилият ва иқтидорларини намойиш этмоқда. Улар орасида депутатлар, мактаб, коллеж директорлари, тобиёт ҳодимлари кўп, туман соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокорлари ҳам қозоқ миллатига мансуб.

Худди шундай миллий маданий марказлардан яна бири қорейс халқининг урф-одатлари, либослари, кадриятларини тарғиб этиб, ривожлантирмоқда. Унга фаол жамоатчи қорейс аёли Римма Югай раҳбарлик қилмоқда. Сафия Кан бошчилигидаги "Маннам" ("Урашув") ансамбли 20 нафар хотин-қизлардан иборат

тенгдошларини билан ўқиб, илм олдим, магистратурани тамомлаб, ўзим истаган соҳада ишлапман. Ўзбек хонадонига келин бўлдим. Икки нафар ўғлим бор. Илоҳим бағишганга, юртимизга, мустақил Ўзбекистонимизга кўз тегмаслиги, эмомнигоҳлардан асрасин.

– Шундай юртда яшаётганимга шукр қиламан, – дейди "Ангрэн ҳақиқати" ва "Ангрэнская правда" газеталари бош муҳаррири, татар қизи Алмира Мустафина. – Умр йўлдошим, фарзандларим билан бахтли ҳаёт кечираёпмиз. Ўзбекистондек улғувор, бағрикенг диёр фарзанд эканлигимдан фойдаланаман.

– Мен тожик қизиман, лекин Ўзбекистон фарзандиман, – дейди журналист Гулжаҳон Кабирова. – Мустақил диёримизда эмин-эркин яшар эканмиз, унинг гуллаб-яшнаши, порлоқ келажаги учун барчамиз камарбастамиз. Зеро, фарзандларимиз эртаси, келажаги – мустақил Ўзбекистондир.

Сайёра РИХСЕМБА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Орамиздаги одамлар



ЭНГ ЯХШИ УСТОЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарорида соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизими ва спортнинг ролини кучайтириш, юқори малакали ва тажрибали педагоглар билан таъминлаш ҳақидаги кўрсатмалари бор...

Ўрта-чиқчилик инглиз тили фани ўқитувчиси Шахло Уринбоевани ана шу дастур ижросининг энг фаолларидан десак янглишмаймиз. Мамакатимиз раҳбари чет тиллари, айниқса инглиз тилини бошланғич синфлардан, ҳатто мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўргатиш кераклигини ўқитирган эди. Шахло бу вазифани жуда яхши уйдаяпти.

Тумандаги 3-мактабда жами 624 ўқувчи тахсил олади. Шахло уларнинг деярли барчаси билан мулоқотда бўлиб, инглиз тилини ўрганиш бўйича мазмунли, қизиқарли дарслар, машғулотлар олиб боради. У мактаб қошида ташкил этилган "Маҳорат" ва "Таянч" мактаби раҳбари. Бу бежиз эмас. Инглиз тилини ўргатиш бўйича 2007 йилдаёқ вилоят

миқёсида "Энг яхши фан ўқитувчиси" дея тан олинган, республикада фахрли ўринлардан бирини эгаллаган Шахло Уринбоевнинг услубий қўлланмалари вилоят мактабларида фойдаланилмоқда. Устоз изидан бораётган шоғирдлари Шахноза Жалолиддинова, Нагай Алеветиналар ҳам вилоятнинг "Энг яхши фан ўқитувчилари" дан.

Этиборлиси, "Чет тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори бўйича вилоятда инглиз тили ўқитувчилари малакасини оширишга муносиб ҳисса қўшиб, уларга беш ой давомида қизқарли, мазмунли маърузалар ўқиди.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Қобилжон ГОҒУРОВ
олган сурат.

ОТА-ОНАЛАР МАСЪУЛИЯТИ ОШДИ

Бўка агроиктисодиёт касб-хунар коллежиди Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги дастур ижроси доирасида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят УМКХТБ, адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси масъул ҳодимлари, туман жоме масжиди бош имом-хатиби, ФХД бўлими мудири, тиббиёт бирлашмаси шифокорлари, Қорақўйли кишлоғи худудидида маҳаллалар раислари, ота-оналар, шунингдек, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Йиғилишда "Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаслик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амал-

га оширишда иштирок этиши" бўйича вилоятда бажарилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар, ота-оналар кенгашиларининг иш фаолиятлари бугунги кун талабиди ташкил этилаётгани, гуруҳ раҳбарларини дарсларга мунтазам келмаётгани, чет элларга ишлаш учун кетаётган ёшлар билан олиб борилаётган тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги ҳақида батафсил маълумотлар берилиб, келгусидаги вазифалар белгиланди.

Ёркиной ИНОМОВА,
коллек маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Битирувчи – 2014

ҚУВОНЧ, ИШОНЧ ВА ФУРУР

этиборан қайсидаир корхона ёки ташкилотда, айримлари хусусий тадбиркорлик ишларини бошлаш ҳуқуқига эга. Баъзилар эса ўқишларини давом эттириш учун кириш имтиҳонларига тайёрларлик қўришади.

Шунингдек, Чиноз тумани, Олмазор кишлоғида жойлашган кишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини ҳам бу йил 400 нафар ўғил-қиз битирди. Туманининг кўзга кўринган, нуфузли билим дар-

гоҳларидан бири бўлган маъруза коллежга мохир педагог Исроил Бултаков раҳбарлик қилади. Бу ерда 1528 нафар ўқувчи турли йўналишдаги касб-хунар сирларини ўрганиб, таълим-тарбия олади. Ўқувчилар назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашлари учун зарур шароитлар етарли. 18 гектар ўқув-тажриба майдонига етиштирилаётган бугдой бу йил 25 центнердан сара ҳосил берди. Бундан ташқари, коллеж ус-

тахоналари, тикув цехлари доимо ўқувчилар билан гавжум. Улар "Юрт келажиги", "Ораста қизлар" кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

– Уч йил давомида ҳисобчилик касби бўйича тахсил олдим, – дейди Мохидил Орипова. – Кишлоғимиздаги савдо дўконларидан бирига ишга ҳам жойлашдим. Насиб этса, ана ўқишни давом эттирмоқчиман.

Сайёра ИКРОМОВА.

Қишлоқ мулкдорлари

ХИРМОН ДОНГА ТЎЛДИ

Айни кунларда галлакор бободоҳонларимиз халқимиз ризқи бўлмиш донни нест-нобуд қилмай йиғиб олмақдалар.

Чиноздаги "Яллама" фермер хўжалиги ҳам ўрим-йиғим ишларини барвақт якунлаб, давлат режисини туманда биринчилардан бўлиб бажарди. Хўжалик бу йил 37 гектар майдонда галланинг "Ясовул" навини етиштириб, 110 ўрнига 120 тонна хирмон уйди.

– Хўжалигимиз галлачилик агротехникасидаги барча тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажаргани боис бу йил ҳам юзимиз ёруғ бўлиб, давлат режисини ортиги билан уйдаяпти, – дейди фермер хўжалиги раиси Ёдгорбек Умиров. – Яна 14 гектар майдондаги галла ўриб олинмоқда. Бу – режадан ташқари, ўзимизга қоладигани. Агар ҳар гектар ҳисобидан 40 центнердан ҳосил оладиган бўлсак, жами 55

тонна галла нақд дегани. Бу эса хўжалигимиз аъзоларининг тенг улуши. Ҳозирда галладан бўшаган майдонларга ишлов бериб, такрорий экинга тайёрлаёпмиз.

Хўжалик фақатгина галла билан чекланиб қолмаган. Пиллачилик учун 7 гектар майдонда тузтор парвариллаштириш. 87 гектар майдонда пахтанинг "С-65-24" ва "Р-1" уруғлик нави етиштирилмоқда. Шу кунгача ҳар гектар майдонга 50 кило-

граммгача азотли, 120 килограмм фосфорли ва 50 килограмм калийли ўғит берилади. Айни дамда гўзга маҳаллий ўғит шарбат усулида оқизилаёпти. Бу каби ишларда хўжаликнинг 38 нафар аъзоси бирдек жон қуйдириб меҳнат қилмоқда. Улардан икки нафари яқинда коллежини тамом-

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ»

Толбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғинида жойлашган коммунал фойдаланиш бўлими тасарруфига берилиши режалаштирилган.

Толбулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини худудидида 3 та умумтаълим мактаби ва 4 та мактабгача таълим муассасаси фаолият қўрсатиб келмоқда. Марказлашган иссиқлик тизими ишламаганлиги учун 3 та умумтаълим мактабларига индивидуал қозонлар ўрнатилиб, иситиш тизимидаги муаммолар бартараф этилди, ушбу мақсадлар учун 45,5 миллион сўм маблағ ажратилди.

Мактабгача таълим муассасаларида иссиқлик ти-

зими ишламаганлиги учун барчаси электр иситишчилар билан тўлиқ таъминланди. 2014-2015 куз-киш мавсумига тайёрлаш жараёнида, ҳар бирини 10 тдан кўшимча хавфсиз электр иситишчилар билан таъминлашга 12,0 миллион сўм маблағ ажратилди. Мақолада кўрсатилган "Олтин балиқча" номи 34-мактабгача таълим муассасаси сузиш хавзасининг томи ва ташқи фасадини таъмирлаш учун 11,8 миллион сўм маблағ ажратилди.

"Чотқол" маданият уйи ҳақиқатдан таъмирталаб бўлиб, ҳозирги кунда нуқсон далолатномалари тузилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 178-сонли қарорига капитал таъмирлаш учун киритилган.

ТАҲРИРИЯТДАН: юқоридида жавоб хати бир қарашда анча муфассал ёзилгандек. Аммо синчиқлаб ўқилса, мақолада кўтарилган бир қанча муаммолар унда эътиборсиз қолдирилган. Хусусан, шаҳарчада ишларни ижтимоий фойдаланиш меҳнат билан банд қилиш иши эътиборсиз қолдирилган, электр қуввати узилишлари, ташландик ҳолга келган ҳаммом, газета сотиладиган киосклар йўқлиги, обуна бўлган газеталарнинг биронта сони этиб келмаганлиги, сув хавзаларининг ахлатхонага айланиб бораётгани, аҳолининг вино-ароқ сотиладиган дўкон фа-

толулоқ шаҳарча фуқаролар йиғини худудидида жойлашган айрим кўчалар чиндан ҳам таъмирталаб. Ҳозирги кунда Ангрэн шаҳридаги кўчаларни таъмирлаш ишларига маблағлар йўналтирилганлигини ҳисобга олиб, ушбу ишлар тугагандан сўнг, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, шаҳарчадаги кўчаларни 2014 йилда жўяли таъмирлашга маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

олиятидан норозилиги масалаларига ҳатта муносабат билдирилмаган. Қолаверса, шу йилнинг 6 июнида жўятилган мактабнинг таъмирлаш ишларида бир ой ўтиб, 7 июлда келишнинг боиси нима? Хатжилд устидаги почта муҳрларидида саналардан англашилса, мактаб 4 июль кунин Ангрэндан қиқиб, икки кунда пойтахтга етиб келган. Шундай экан, юзига ҳокимлик бурчак тамгаси урилиб, пешонасига "ҳизматга оид" деган сўзлар битилган ушбу расмий жўнатма қайси жавон ёки тортмаларда бунчалар узок қолиб кетганикин?

Вилоят ҳаёти

Гулбахор Сулаймонова бу йил Қибрай молия иқтисодиёт касб-хунар коллежини тамомлади. У тадбиркор бўлишни ўқувчиллик давридан оқибатга режалаштирди. "Халқ банки"нинг Қибрай туман филиалидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 15 миллион сўм микдорда кредит олди.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

– Шу маблағ ҳисобидан касаначилик, тикувчиликни йўлга қўймоқчиман, – дейди Гулбахор Сулаймонова.

– Ҳозирда кредит ажратиш бўйича коллеж битирувчиларидан кўнлаб мувожаатлар келиб тушмоқда, – дейди банк филиали бошқаруви раиси ўринбосари Сайдуллаҳўжа Аъзамов. – Шу кунгача 18 нафар талаба имтиёзли кредитга эга бўлди. Яна 7 нафар битирувчининг аризалари ўрганиб чиқилди.

Пискент тумани 30-муסיба ва санъат мактабига "Гийёҳандлик – жамият иллати" мавзунда давра суҳбати ўтказилди.

ЖАМИЯТ ИЛЛАТИГА ҚАРШИ

ЎзЛиДеП туман кенгаши, жоме масжиди, ИИБ ҳодимлари ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари иштирокидаги тадбирда гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари, ёшларнинг бу бебаҳо иллатга чалинмаслиги учун маҳалла, оила, таълим муассасалари оғоҳ, хушёр бўлмоқликларни лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Ёз - 2014

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА



Пойтахтимиздаги Мехрибонлик уйларининг юз нафардан зиёд тарбияланувчиси Бўстонлик туманидаги "Конструктор" оромгоҳида ёзги таътил кунларини мароқли ўтказмоқда.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш доимий эътиборда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан ёзги таътил вақтида ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида фан, бадий ҳодидиёт, спорт-соғломлаштириш тўғрисида фаолияти йўлга қўйилиб, ижодий фестиваллар, кўргазмалар, ижтимоий акциялар, спорт мусобақалари ўтказилаётди. Бу

Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Оромгоҳдаги бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази болалар ихтиёрида. Мунтазам ташкил этиладиган спорт мусобақалари, фан, рақс, рассомлик, моҳир кўллар тўғрисидаги болаларнинг билимини ошириш ва қизиқиши бўйича хунар ўрганишида қўл келмоқда.

Масканимизда болаларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтиши учун кўплаб маънавий-маърифий,

кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда, - дейди оромгоҳ раҳбари Татьяна Балуева. - Ўқувчиларга тажрибали тарбиячилар бриктирилган. Болалар дам олиш билан бирга, турли танловлар, беллашувларда фаол иштирок этаётди. Оромгоҳда ташкил этилган инглиз тили тўғрисидаги ўқил-қизлар ҳафтасига бир неча марта шуғулланмоқда.

Оромгоҳда яратилган шароит менга жуда ёқди, маза қилиб дам олаётман, - дейди пойтахтимиздаги 23-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиси Икром Одилов. - Рассомлик тўғрисида маҳорат сирларини ўрганиётман. Бу ернинг гўзал табияти тасвирланган кўплаб расмлар чиздим.

Б.МЕЛИҚУЛОВА, ЎЗА мухбири.

Футбол бўйича Бразилияда давом этаётган Жаҳон чемпионатининг Голландия - Коста-Рика термалари иштирокидаги учрашувни бошқарган ўзбекистонлик ФИФА рефереси Равшан Эрматов дунё футбол тарихида Жаҳон чемпионатларининг финал учрашувларини бошқариш бўйича янги рекорд ўрнатди.

РАВШАН ЭРМАТОВ - ЖАҲОН РЕКОРДЧИСИ



2010 йилги Жанубий Африка Республикасида ўтган мундиалда 5 та ўйин бошқарган ҳамюртимиз Бразилияда ҳам 4 та учрашувда ишлади ва умумий 9 та ўйин билан мутлақ рекордчига айланди. 1930 йилдан бери ўтказиб келинаётган Жаҳон чемпионатида ҳозирга қадар ҳеч ким бундай кўп ўйин бошқармаган эди. Эрматовдан кейин 8 та учрашувга ҳакамлик қилган француз Жозель Киньо, мексикалик Бенито Арчундия ва уругвайлик Хорхе Ларрионда бо-ришмоқда.

"Туркистон-пресс".

ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ «НАНКИН - 2014»ДА

"Нанкин - 2014" спорт ўйинларида иштирок этадиган оғир атлетикачиларимиз номи маълум бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий Олимпиада қўмитаси матбуот хизмати хабар бермоқда.



Мамлакатимиз оғир атлетикачилари жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ёзги ўсмирлар Олимпиада ўйинларида иштирок қилган Жаҳон чемпионати (икки нафар ўсмир) ҳамда 2014 йил Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида (бир нафар қиз) эга бўлишган эди.

Маълумки, оғир атлетика спорт турида Олимпиада ўйинлари йўлланмалари терма жамоаларга берилади ва ҳал қилувчи мусобақада (Олимпиада ўйинларида) иштирок этадиган спортчилар миллий федерациялар томонидан эълон қилинади.


Ўзбекистон Оғир атлетика федерацияси ўсмирлар Олимпиада ўйинларининг бошланишига бир ойдан зиёдроқ вақт қолганда Нанкинга йўл оладиган спортчилар номларини эълон қилди.

Унга қўра, ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда Адҳам Эргашев (-56 кг) ва Фарҳод Собиров (-85 кг), қизлар ўртасида эса Комила Абдуллаева (+63 кг) Ватанимиз шарафини химоя қиладилар.

Ғанишер ТОҶИРОВ, "Туркистон-пресс".

БОҒИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ БОҒЛАРИ

Президентимиз раҳнаомлигида халқимизга хос азалий урф-одат ва анъаналарни келажак авлодга бус-бутун етказиш, муқаддас қадимларнинг асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



Бунга нафақат давлат ва жамоат ташкилотлари, балки турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётди. "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси томонидан қадимшуносларнинг мамлакатимизда олиб бораётган илмий излашлари ҳақида хужжатли, илмий-оммабоп фильмлар суратга олиниб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. "Шохруҳия - Тошкент воҳасининг жаҳоҳири", "Илоқнинг азалий мероси" деб номланган картиналар шулар жумласидан.

2014 йилда бошқарма "Ўзбекино" миллий агентлиги ҳамда "Сага фильм" студияси билан ҳамкорликда "Шайх Умар Валийнинг мўъжиза боғи" номли илмий-оммабоп фильмни тасвирга олди. Бу картина Бўстонлик туманининг олис қишлоқларидан бири бўлган Боғистоннинг кўҳна боғлари хусусида ҳикоя қилади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Боғистоннинг боғлари олти асрлик тарихга эга, - дейди "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эшмирзаева. - Фильмда боғдорчилик анъаналари, халқимизнинг олижаноблик, мардлик, меҳр-оқибатлилик каби эзгу фазилатлари акс эттирилган. Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг бетакрор ва ранг-баранг флораси, қадимий ҳамда ноёб топилмалар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

Б. ХИДОЯТОВ, ЎЗА мухбири.

Истиқлол туфайли обод манзиллар

Айнан шу каби эзгу ниятлар йўлида миллий боғ фидойилари туну кун изланмоқдалар, зиммаларидаги гоят муҳим ва масъулиятли бурчларини виждонан бажаришга интиломоқдалар. Аҳил ва изланувчан жамоа томонидан ҳар йили бир миллионга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрланади. 2011 йилда 400, 2012 йилда 418, 2013 йилда 428 гектар майдонда яшил бойликлар барпо этилди. 2014 йилги натижа эса янаям баланд бўлиши кўзда тутилмоқда. Миллий боғ ҳаёти ва фаолиятининг серкирралиги, катта ҳудудда жойлашганлиги жамоа ва унинг раҳбарларидан улкан кучгайрат, мислсиз матонат, қаттиқ интизомни талаб этади. Бунга ҳамма ҳам дош бера олмайди. Абдукарим Абдуҷамилов кўп йиллар давомида бу ишларни уддалади. Вақти келиб, вазифани ишончи қўлларга топшириб, ўзи аввалги ўрни - туғилиб ўсган жойидаги Бурҷмулла ўрмон хўжалиги раҳбарлигига қайтди.

Миллий боғнинг янги раҳбари, халқ тили билан айтганда, бир умр табиат билан тиллашиб келлаётган Эргаш Саримсоқов жамоани янаям баландроқ парвоз сари бошлади. Кўп йиллик узлуксиз фаолияти давомида у Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Германия каби давлатларда ўтказилган халқаро кон-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ференцияларда сермазмун маърузалари билан иштирок этиб, қатор сертификатларга эга бўлган. Энг муҳими, маърузаларда келтирилган режалар ўзининг ҳаётийлиги ва амалга ошириш мумкин-

лиги билан диққатга сазовордир. Миллий боғ Бўстонлик, Оҳангарон ва Паркент туманлари ҳудудларида жойлашган. Бу туманлар, ўзига хос табиий бойликларга эга. Асосий мақсад - ўсимлик ва ҳайвонот оламини авайлаб сақлаш ҳамда қадам-бақадам бойитиб, кўпайтириб боришдир. Олдинда яна балиқчилик, асаларини чиқариш каби нозик ва муҳим соҳаларни ривожлантириш, туризмни махсус қарор асосида йўлга



қўйиш сингари долзарб масалалар турибди. Ҳозирги даврда, айниқса экотуризм соҳаси юқори даражага кўтарилди. Тарихий ва табиий обидалару гўзалликларга бой диёримиз, хусусан Тош-

афсонавий кўллари жаҳон аҳли у ёқда турсин, ерлик табиат илҳосмандлари ҳам яхши билмайдилар. Денгиз сатҳидан 1500 метрдан тортиб салкам уч минг метргача баландликдаги тоғлар туризмни ривожлантириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Ҳозирги кунда Хўжақент, Чимён, Бурҷмулла ҳудудларида сайёҳлар учун қодирли шаҳарчалар барпо этилмоқда. Пском водийсидаги гўзал табиат манзаралари билан бир қаторда Шайх Хованди Тоҳур ва Ҳожа Аҳрор Валий янглиг улуғ зотлар аждоди бўлмиш Шайх Умар Валий Боғистоний, Каптар Кумуш ота, Булғор ота, Абдулла Ансорий бува каби улуғлар қадимлари ҳақиқий зиёратгоҳга айланиши учун йўллар таъмирланиши, электр энергияси узаткичлари созланиши лозим.

Инсон - табиатнинг гултоғи. У атрофини гўзаллаштириши ҳам, харобага айлантириши ҳам мумкин. Биз ҳаммамиз табиат фарзандларимиз. Дилларимизга эзгу ниятларни жо айлаб интилсақ, тинмай ҳаракат қилсақ, албатта кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Бунинг учун ҳукуматимиз ҳам, давлатимиз раҳбари ҳам керакли барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бу ўринда Она табиат жонқурларни бўлмиш яратувчи ва бунёдкор тадбиркорлар назарда тутилмоқда. Қонун ҳимоячилари эса бундай олижаноб инсонлар ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилишга доимо шай. Буни матбуотдан ўқиб, "зағори экран"да қўриб, ҳаммамиз ишонч ҳосил қилмоқдамиз...

Асад АСИЛ, Ёзувчи.

БОҒЛАРИМИЗ - ФАҲРИМИЗ

кент вилояти ушбу йўналиш равнақиға жуда мос тушади. Миллий боғ фидойилари ханузгача ҳаракатсиз ётган ушбу соҳани жонлантириш ва ривожлантириш учун астойдил бел боғланглар. Жумладан, Бўстонлик туманининг тоғли ҳудудлари қаторидаги энг кўрак - Пском водийси берақор табиат манзаралари, машҳур қадамжо ва тарихий обидалари билан жаҳонга танилган. Лекин, ушбу йўналишда ўнга яқин гоят ажойиб,

бағрида жойлашган ўнга яқин кўллarning айримларида ҳатто кемалар ҳам бемалол сузиб юриши мумкин. Бу кўллар нафақат зилол сувлари, тенгсиз табиат гўзалликларини, балки ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот оламини билан ҳам кўп вақт томошабиннинг ёдида сақланиб қолиши табиий. Миллий боғ шоввозлари учун бирма бир ўлчаб-ўрганиб чиқиб, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида қўшма лойиҳалар тузмоқдалар,

Асад АСИЛ, Ёзувчи.

Эгрлик ҳамиша панд беради

Вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти республика Президентининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ҳудудида ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчилар ўртасида мунтазам тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Аммо, бу саёй-ҳаракатларга қарамай, Қонунда кўрсатилган талабларни четлаб ўтувчи ҳайдовчилар учраб турибди. Жумладан, йўловчи ташиш билан шуғулланув-

чи транспорт воситалари фаолиятини тартибга солиш тегишли ташкилотлар, вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги ва солиқ бошқармалари

ҳолат бўйича суд органлари 16 миллион 410 минг сўмлик маъмурий жарима солиш чораларини қўллади.

Хусусан, шу йил 23

420 сўм жарима ундирилди. Самсарай қишлоғи Баҳодир Ниёзов ҳам давлат рақами 10У807ВА бўлган ВА3-2103 русумли транспор-

тида ноқонуний йўловчи ташигани учун 480 минг 525 сўм жарима тўлади.


Шунингдек, 22 май куни ўтказилган рейд давомида Кумушқон қишлоғи Иттифок кўчаси 50-уйда яшовчи Ё. Соипов, Чанги қишлоғи Э. Холматов, Р. Йўлдошев, Сўқоқ қишлоғи Иттифок кўчаси 4-уйда яшовчи А. Умарбоев "Дамас" русумли, Красногорск кўрғонлиги М. Мирқаримов ВА3-21061 русумли транспортларида тегишли ҳужжатларсиз йўловчи ташиш билан шуғулланишгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари баённома расмиёлаштириб, суд органларига тақдим этилди.

Аваз ИСРОИЛОВ.



ҳамда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бўлими ҳамкорлигида шу йил 1 июнь ҳолатида Паркент туманида 11 та рейд ўтказилди. Унда 236 та автотранспорт воситаси текширилиб, 36 та ҳолат бўйича давлат солиқ инспекцияси ходимлари тегишли шаклда баённомалар ташишди. Шундан 27 та

январь куни Бошқизилсой қишлоғи Форобий кўчасида истикомат қилувчи Мехридин Салимов йўловчи ташишга оид ҳужжатларсиз давлат рақами 10S887EA бўлган ВА3-2101 русумли транспортда йўловчи ташиш билан шуғулланаётгани аниқланди ва туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари баённома расмиёлаштириб, 348 минг



Кўҳна эртақнинг янги талқини.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Мабуотчилик
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ